

## V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ <sup>1)</sup>

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 4297,3 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2017 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 2484,6 млрд. сўм ёки 237,1 % га ошган.

### 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-ноябрга нисбатан %да</i>
<b>Жами</b>	<b>4267,2</b>	<b>274,9</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	46,3	82,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	3761,6	276,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	35,2	65,2
Қурилиш	0,9	7 м
Савдо	4,3	49,0
Ташиш ва сақлаш	371,7	115,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	-4,2	122,9
Ахборот ва алоқа	8,3	100,4
Кўчмас мулк билан операциялар	0,05	132,1
Профессионал, илмий ва техник фаолият	14,4	119,3
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	24,9	15,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	0,3	79,3
Бошқалар	2,7	209,3

Ижобий молиявий натижа (фойда) нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига – 3761,6 млрд. сўмга, ташиш ва сақлаш корхоналарига – 371,7 млрд. сўмга, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш – 46,3 млрд. сўмга тўғри келадиган бўлса.

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2018 йилнинг январь-ноябр ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши «Олмалик КМК» АЖ (2005,0 млрд. сўм), «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ (290,5 млрд. сўм), «Ўзкимёсаноат» АЖ (113,2 млрд. сўм), «Ўзбекнефтгаз» АЖ (63,7 млрд. сўм), таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК 86,8 млрд. сўмга, «Ўзбекэнерго» АЖ – 68,3 млрд. сўмга, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ – 53,0 млрд. сўмга, «Ўзагрокимёхимоя» АЖ – 4,7 млрд. сўмга, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси – 4,5 млрд. сўмга, юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

**2018 йилнинг январь- ноябрь ойларида ҳудудлар кесимида  
яқуний молиявий натижалари**


	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-ноябрга нисбатан %да</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>4267,2</b>	<b>274,8</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Нурафшон	54,1	154,5м
Олмалик	2608,8	4,7м
Ангрен	45,5	25,0
Бекобод	502,7	277,8
Оҳангарон	240,4	73,6
Чирчиқ	165,7	222,9
Янгийўл	22,9	87,6
<i>туманлар:</i>		
Оқкўрғон	0,2	43,1
Оҳангарон	-1,2	1,3
Бекобод	0,4	209,5
Бўстонлик	8,0	120,6
Бўка	2,7	112,4
Зангиота	171,0	104,5
Қибрай	147,5	112,5
Қуйичирчиқ	0,5	4,9м
Паркент	4,5	132,2
Пискент	0,4	62,2
Ўртачирчиқ	46,2	75,2
Чиноз	46,7	106,2
Юқоричирчиқ	10,5	125,9
Янгийўл	76,1	267,8м
Тошкент	113,8	214,6

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Олмалиқ шаҳар 2608,8 млрд. сўм (жами фойданинг 61,1 %), Бекобод шаҳар 502,7 млрд. сўм (11,8 %), Оҳангарон шаҳар 240,4 млрд. сўм (5,6 %), ва Зангиота тумани 171,0 млрд. сўм (4,0 %) га тўғри келади.

**Зарарлар.** 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида 15 та корхона ва ташкилотлар 30,2 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги корхоналари –18,2 млрд. сўм (60,5 %), Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирмаган тадбиркорлик субъектлари – 5,7 млрд. сўм (19,0 %), «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК – 3,4 млрд. сўм (11,2 %), «Тошшаҳартрансхизмат» АК – 2,8 млрд. сўм (9,1 %) га юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

**2018 йилнинг январь-ноябрида зарар кўрган корхона  
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан %да)



- Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
- "Ўзбекизоқовқатхолдинг" ХК
- Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирмаган тадбиркорлик субъектлари
- "Тошшаҳартрансхизмат" АК

**2018 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн.сўм	жамига нисбатан %да
<b>Жами</b>	<b>15</b>	<b>30160,2</b>	<b>100,0</b>
Ишлаб чиқарадиган sanoat	5	5083,1	16,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	4	18432,1	61,1
ташиш ва сақлаш	4	4855,9	16,1
Кўчмас мулк билан операциялар	1	1784,3	5,9
Профессионал, илмий ва техник фаолият	1	4,9	0,02

**2018 йилнинг январь-ноябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан %да)



Зарарнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 18432,1 млрд. сўм (61,1 %) соҳасида юзага келган.

**2018 йилнинг январь-ноябрида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн.сўм</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>15</b>	<b>100,0</b>	<b>30160,2</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Нурафшон	1	0,1	30,0
Ангрен	6	28,7	8669,8
Чирчиқ	1	26,9	8104,5
<i>туманлар:</i>			
Оққўрғон	2	0,3	103,1
Оҳангарон	1	11,2	3379,9
Кўйичирчиқ	1	0,6	166,2
Зангиота	1	0,02	4,9
Юқоричирчиқ	1	9,1	2755,3
Қибрай	1	23,0	6946,6

**Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>**

2018 йил 1 декабрь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 5714,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 112,3 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 2,0 % ташкил этди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2017 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирганимизда 12,7 % ни ташкил қилади, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 134,2 % ташкил қилди.

Ҳудудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Нурафшон шаҳар 1275,2 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 22,3 %), Бекобод шаҳар 997,6 млрд. сўм (17,5 %), Олмалиқ шаҳар 950,7 млрд. сўм (16,6 %) ва Оҳангарон шаҳар 380,1 млрд. сўм (6,7 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Паркент тумани 0,1 млрд. сўм (0,002 %), Пискент тумани 1,3 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,02 %), ва Бекобод тумани 2,6 млрд. сўм (0,05 %) да пастлигини кўриш мумкин.

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сузурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

**2018 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, %да
		харидор ва бўйрут- мачилар	етказиб берувчи- ларга ва пудратчи- ларга берилган аванслар	ички идора- вий	
<b>Жами</b>	<b>112346,4</b>	<b>80392,9</b>	<b>2925,3</b>	<b>13667,3</b>	<b>2,0</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	66449,8	47479,9	2863,7	745,3	58,4
Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	14092,3	14092,3	-	-	32,0
Қурилиш	483,6	-	61,6	422,0	11,0
Кўчмас мулк билан операциялар	346,9	346,9	-	-	59,1
Бошқалар	30973,8	18473,8	-	12500,0	0,8

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2018 йил 1 декабрь ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 3115,6 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 54,5 %ини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги «Ўзбекнефтгаз» АЖ корхоналари – 1139,7 млрд. сўм (36,6 %), «Олмалик КМК» АЖ – 915,9 млрд. сўм (29,4 %), «Ўзбекэнерго» АЖ – 533,6 млрд. сўм. (17,1 %), «Ўзавтосаноат» АЖ – 129,5 млрд. сўм (4,2 %).

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиши «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 3846,6 м (1139,4 млрд. сўм),

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ – 52,5 м (93,6 млрд. сўм), «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ - 33,2 м (25,8 млрд. сўм), «Ўзавтосаноат» АЖ – 11,2 м (117,9 млрд. сўм) кузатилди.

Дебитор қарздорлик «Ўзбекэнерго» АЖ – 73,4 % га (193,0 млрд. сўм), «Ўзкимёсаноат» АЖ – 13,4 % га (806,4 млрд. сўм) камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолинмоқда.


2018 йил 1 декабрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 6898,8 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 93,1 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 1,3 % ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2017 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирганимизда 12,7 % ни ташкил қилади, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 94,8 % ни ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2018 йил 1 декабрь ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 4602,4 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 66,7 % ни ташкил қилади, шу жумладан муддати ўтган – 10,9 млрд. сўм ёки мос равишда 11,8 %.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 648,6 млрд сўмга камайди, шу жумладан «Ўзкимёсаноат» АЖ – 98,7 % га камайиб, вилоят бўйича жами муддати ўтган кредитор қарздорликнинг 9,5 % ташкил этади.

**2018 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги**  
(жамига нисбатан %да)



**2018 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	Бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора- вий	
<b>Жами</b>	<b>93093,0</b>	<b>76510,2</b>	<b>-</b>	<b>4531,4</b>	<b>3554,5</b>	<b>1,8</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	10948,9	4211,9	-	-	746,2	6,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	78659,0	72069,8	-	4531,4	-	83,1
Қурилиш	219,6	219,6	-	-	-	29,2
Кўчмас мулк билан операциялар	2808,3	-	-	-	2808,3	77,0
Профессional, илмий ва техник фаолият	448,2	-	-	-	-	-



2018 йил 1 декабрь ҳолатига жами кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши 1183,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторликка нисбатан ошиши**

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан %да</i>
«Ўзбекэнерго» АЖ	1081,2	302,6
«Ўзпахтасаноат» АЖ	482,6	24,3м
«Ўзавтосаноат» АЖ	212,2	263,9
«Олмалиқ КМК» АЖ	172,6	118,8
«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ	-10,0	62,4
«Ўздонмахсулот» АК	-23,5	56,4

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши «Ўзбекэнерго» АЖ 1081,2 млрд. сўмга (302,6), «Ўзпахтасаноат» АЖ - 482,6 млрд. сўмга (24,3 м), «Ўзавтосаноат» АЖ – 212,2 млрд. сўмга (263,9 %), «Олмалиқ КМК» АЖ – 172,6 млрд. сўмга (118,2 %) ни ташкил қилади. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Худудлар бўйича кўрилганда юқори кредитор қарздорлик Олмалиқ шаҳар 1208,1 млрд. сўм (17,5 %), Нурафшон шаҳар 1146,9 млрд. сўм (16,6 %) ва Ангрен шаҳар 832,1 млрд. сўм (12,1 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Паркент тумани 0,3 млрд. сўм (0,004 %), Янгийўл шаҳар 24,7 млрд. сўм (0,4 %) ва Оққўрғон тумани 26,7 млрд. сўм (0,4 %) да пастлигини кўриш мумкин.